

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

ИКРОМОВ ШАВКАТ ИСКАНДАРОВИЧ

**МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ
ЖАРАЁНЛАРИНИНГ АРАБ ДАВЛАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ**

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
историческим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
Historical sciences**

Икромов Шавкат Искандарович

Мустақил Ўзбекистондаги трансформация жараёнларининг араб
давлатларида ёритилиши 3

Икромов Шавкат Искандарович

Освещение в арабских государствах трансформационных процессов в
независимом Узбекистане..... 25

Ikromov Shavkat Iskandarovich

Coverage in the Arab States of transformational processes in an
independent Uzbekistan 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

ИКРОМОВ ШАВКАТ ИСКАНДАРОВИЧ

**МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ
ЖАРАЁНЛАРИНИНГ АРАБ ДАВЛАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ**

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Tar380 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsuos.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шадманова Санавар Базарбаевна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович
тарих фанлари доктори, профессор

Мунавваров Зоҳидилла Иномходжаевич
сиёсий фанлари доктори, профессор

Етакчи илмий ташкилот

ЎзР ФА Тарих институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2022 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: info@tsuos.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Қ.Ш.Омонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий дунёда, илмий-тадқиқот муассасалари, матбуот нашрлари, давлат рўйхатидан ўтган веб-сайтлар, телерадиоканаллар, ахборот агентликлари ҳамда таҳлил марказлари фаолиятини тадқиқ этиш ва улар мониторингини амалга ошириш мамлакатни хорижда тақдим этилиши ва унинг имижини билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ҳамда илмий асослаб беришда алоҳида аҳамиятга молик масалалардир.

Ҳар бир мустақил давлат алоҳида тарихий, ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий воқеликдир. Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгач хорижда мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётига доир тарихий, сиёсий ва антропологик тадқиқотлар ҳамда медиа материаллар секинлик билан бўлса-да шакллана бошлади. Уларнинг мавзу хусусиятлари, хорижий тадқиқотчилар изланишлари ва ОАВ чиқишларининг эволюцияси, уларга хос тенденциялар ва тамойилларни умумлаштириш, Ўзбекистон ҳақида ёзувчи муаллифлар, эксперт доиралар хулосаларини кузатиш, уларнинг қамрови ва таъсирини аниқлаш, шунингдек, жаҳон медиа муҳиtida Ўзбекистон имижини янада мустаҳкамлашнинг илмий ҳамда ташкилий тамойиллари ва истиқболи билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш кечиктириб бўлмас масалалардан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон энг янги тарихининг хорижий тарихшунослиги ва дунё медиа маконида тақдим қилиниши масаласини илмий тадқиқ қилишни бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ўлароқ қабул қилиш мумкин.

XX асрнинг 90-йилларидан Ўзбекистон Араб дунёси билан ишончли ва дўстона муносабатларни йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Ўз ўрнида Араб давлатлари ҳам мамлакатимизга истиқболли инвестиция бозори, ислом маданиятининг вориси сифатида катта қизиқиш билдирмоқда. Мазкур қизиқишнинг натижаси сифатида Араб давлатлари илмий-тадқиқот муассасалари ва медиа маконида Ўзбекистон мавзуси турли кўриниш ва шаклда зоҳир бўлди. Эълон қилинган материалларнинг, хусусан, илмий адабиётлар, илмий ва илмий оммабоп мақола ҳамда хабарларнинг йиллар ҳамда мамлакатлар кесимидаги, таҳлили шуни кўрсатадики, уларда мазмун жиҳатдан айрим умумийликлар кузатилса-да, улар орасида жанр жиҳатидан фарқлар хусусан, оддий хабар, мақола, суҳбатдан тортиб, чуқур илмий таҳлилий монография ва диссертацияларгача мавжуд. Кузатишлар яна шуни кўрсатадики, Миср, БАА, Саудия Арабистони ва Ўмон каби давлатларнинг илмий-тадқиқот муассасалари ва оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон мавзусига тез-тез мурожат қилинади. Тунис, Жазоир, Иордания, Марокаш сингари давлатлар матбуотида ва илмий доираларида эса бундай чиқишлар кўп эмаслигини кўриш мумкин. Умуман олганда, Араб давлатларида Ўзбекистон мавзусидаги тадқиқотлар ва йирик таҳлилий матбуот чиқишлари нафақат ўтган асрнинг 90-йилларида, балки ҳозирги даврда ҳам катта контентни ташкил қилмайди. Уларнинг аксариятида «Ўзбекистон» калит сўзи Ғарб ва Россия, Эрон ва Туркия, Саудия Арабистони ва Эрон, Исроил ва Араб давлатлари ўртасидаги сиёсий иқтисодий ва минтақавий рақобат билан боғлиқ муаммолар ёритилган тадқиқотларда учрайди. Шунингдек, Афғонистондаги вазият, диний радикал гуруҳлар фаолияти, наркотик

моддаларнинг ноқонуний айланиши, терроризм хавфига оид умумий мавзуларда ҳам мамлакатимиз номи тилга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105-сон «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш», 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 2 апрелдаги ПҚ-4256-сон «Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тузишни шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон тарихининг турли давлари ва масалаларини хорижий тарихшунослик йўналишида таҳлил қилиш ҳамда мазкур йўналишнинг асосий илмий ёндашув ва хулосаларини тушуниб олишда Р.Ҳақимов, П.Воробьев, Г.Эргашхўжаева, Д.Зияева, С.Шадманова, З.Саидбобоев, Д.Расулова, З.Халилова каби олимларнинг илмий тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга¹. Хусусан, профессор С.Шадманова номзодлик диссертациясида немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалаларини тадқиқ қилиш орқали биринчилардан бўлиб шарқ тилидаги (турк тили) тарихий асарлар, газета ва журналлардаги мақолалар ҳамда шахсий кундаликларни Ватан тарихини ўрганишга жалб қилган. Шунингдек, олима ўз монографиясида² немис ва турк тилларида чоп қилинган илмий тадқиқотлар, бошқа турдаги адабиётларни илк бор янгича илмий-

¹ Ҳақимов Р. Зарубежная историография истории басмачества в Средней Азии. 1917-1931 (на материалах англо-американской литературы): Дис. канд. ист. наук. – Ташкент, 1992; Воробьев П. XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Германияда Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганиш // XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистон халқлари тарихи фани (тарихшунослик очерклари). II Қисм. – Тошкент: Фан, 1994; Эргашхўжаева Г.Э. 20-йиллар Ўрта Осиё хотин-қизлар эмансипацияси масалалари француз тарихшунослиги талкинида (50-80 йиллар адабиётлари асосида): Тарих. фан. номз. ..дис. – Тошкент, 1996; Зияева Д.Х. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати масалалари XX аср тарихшунослигида (1916 йил қўзғолони ва 1918-1924 йиллардаги истиқлолчилик ҳаракати мисолида): Тарих. фан. док. ..дис. – Тошкент, 1999; Шадманова С.Б. Вопросы борьбы против советского колониализма в Туркестане в 1917-1924 годах в немецкой и турецкой историографии: Автореф. дис. канд. ист. наук. – Ташкент, 2002. – 24 с.; Саидбобоев З. А. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI-XIX асрлар): Тарих. фан. номз. ..дис. – Тошкент, 2004; Расулова Д. Б. XVII-XX аср бошидаги француззабон тадқиқотларда Ўзбекистон тарихи масалалари: Тарих. фан.фалсафа док. ..дис. – Самарқанд, 2019; Халилова З. Э. 1945-1991 йилларда Ўзбекистонда ислом дини таълимининг ҳолати ва тарихшунослиги: Тарих. фан.фалсафа док. ..дис. – Тошкент, 2019.

² Шадманова С.Б. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари (1917-1924). – Тошкент: Абу матбуот консалтинг, 2008. – 127 б.

услугий ёндашувлар асосида холисона таҳлил қилиб, хорижий тарихшуносликнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши жараёнида алоҳида тадқиқотчилар фаолиятининг аҳамиятини изоҳлаган.

Ўзбекистон энг янги тарихи масалалари, сиёсий трансформация, иқтисодий ислохотлар, маънавий кадриятларнинг қайта тикланиши масалаларига хориж олимларининг муносабати Р.Жумаев, М.Қирғизбоев, Н.Тўхлиев ва М.Рахимов сингари олимларнинг ишларида ўрганилган³. Хусусан, М.Рахимовнинг тадқиқотларида⁴ Европа, АҚШ тадқиқотчилари ва тадқиқот марказларида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, шунингдек, мамлакатдаги ўзгаришлар ҳамда ислохотларга оид олиб борилаётган изланишлар ҳақида муҳим маълумотларни учратиш мумкин.

Хориж ОАВда Ўзбекистон образининг шаклланиш эволюцияси, жаҳон медиа муҳитида мамлакат имижини яратиш ва такомиллаштириш ҳамда ташқи медиа тарғиботнинг назарий асосларини шакллантириш каби масалалар Беруний Алимовнинг илмий тадқиқотларида, хусусан унинг монографисида ўз аксини топган. Муаллиф ХХІ аср медиа муҳитида Ўзбекистон имижини шакллантиришнинг назарий-когнитив аспектларини АҚШ, Буюк Британия, Россия ОАВ материаллари мисолида таҳлил қилган⁵.

Шунингдек, хорижда яратилган тадқиқотларда ҳам мазкур масалага доир маълумотлар мавжуд. Хусусан, қозоғистонлик С.Тайшанованинг «Францияда Марказий Осиё тарихшунослиги»⁶ номли мақоласида аввал Марказий Осиёнинг умумий, сўнг эса ҳар бир республиканинг тарихшунослиги алоҳида таҳлил қилинган. Муаллиф ўз тадқиқотида француз тадқиқотчиларининг Марказий Осиё тарихига нисбатан ёндашувини аниқлаб, француз олимларининг минтақа ўз яхлитлигини йўқотиб, ҳар бир давлатни ўзига хос тарзда, ўз тараққиёт моделлари бўйича ва турли халқаро мақсадларни кўзлаган ҳолда ривожланаётганлиги тўғрисидаги фикрларини умумлаштирган. Бундан ташқари тадқиқотчи асосан, геостратегиya ва ташқи сиёсат масалаларига бағишланган тадқиқотларни таҳлил қилиб, бу борадаги ишлар минтақа олимлари томонидан жуда оз амалга оширилаётганлигига эътибор қаратади.

Араб тилидаги илмий тадқиқотларда ҳам Ўзбекистон замонавий тарихининг Араб давлатларида ўрганилишига доир айрим тарихшунослик ишларини учратиш мумкин. Хусусан, М. ас-Сайид Салим⁷, Мисбаҳ Абдул

³ Жумаев Р.З. Проблемы формирования и укрепления политической системы Республики Узбекистан: Автореферат дис. док. ...полит. наук. – Ташкент, 1996; Ўша муаллиф. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. – Ташкент. Фан, 1996; Ўша муаллиф. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. – Тошкент: Шарк, 1998; Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, сиёсий мафкуралар, сиёсий маданиятлар. – Тошкент: Шарк, 1998; Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. – Ташкент, 2000; Новейшая история Узбекистана: Учебник / Под ред. д.и.н., проф. М.А.Рахимов. – Ташкент: Адабиёт учкунлари, 2018. – 512 с.

⁴ Rakhimov M.A. Reimund Seidelmann, Sinatillo Jonboboev. Central Asia today: Countries, Neighbors, and the Region. – Frankfurt/Berlin/Bern/ Brussels, New York/Oxford/Vienna: Peter Lang Publishing House, 2014. – P. 435.

⁵ Алимов Б. Медиа муҳитда Ўзбекистон имижини. – Тошкент: TA'LIM-MEDIA, 2020. – 214 б.

⁶ Saltanat T. Tayshanova. French Historiography of Central Asia, Utopía y Praxis Latinoamericana, vol. 23, no. 82, 2018, Universidad del Zulia. <https://doi.org/10.5281/zenodo.1495786>

⁷ السيد سليم محمد، التحولات العالمية والتنافس الدولي على آسيا الوسطى، القاهرة : مركز الدراسات الآسيوية، جامعة القاهرة، 1998. آسيا الوسطى و التحولات العالمية، مصر : مركز الدراسات الآسيوية، 2010

Боқи⁸, Иброҳим Арафатнинг⁹ ишларида республикада сиёсий соҳада олиб борилган ўзгаришлар, дин ва дунёвий давлат каби масалаларни тадқиқ қилган араб тилидаги ишларнинг хусусияти ҳамда асосий масалалари ўрганилган. Язан Авад Ахмад ал-Варад¹⁰, Абдулла Фалаха ал-Азайла¹¹ каби ёш олимларнинг тадқиқотларида Марказий Осиёнинг геосиёсий мавқеи, минтақада етакчи кучларнинг сиёсати, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг трансформацияси каби масалаларда тадқиқотлар олиб борган Араб давлатларидаги олимларнинг ишлари тарихшунослик таҳлилига жалб қилинган.

Мавзу тарихшунослигига доир изланишлар натижасида республикада Ўзбекистон энг янги тарихининг Араб давлатларида ўрганилишига доир алоҳида тадқиқотлар ҳали яратилмаганлиги маълум бўлди. Мавзуга оид алоҳида тадқиқотлар бўлмаса-да, республикадаги бир қанча шарқшунос-арабшунослар Ўзбекистон ва Араб мамлакатлари ҳамкорлик алоқаларига оид тадқиқотлар доирасида Араб давлатларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида маълумот берувчи манбаларга тўхталиб ўтган. Хусусан, М.Муҳаммадсиддиқовнинг илмий ишида Марказий Осиё ва Араб давлатлари ҳамкорлик алоқаларига доир Саудия Арабистони ҳамда Мисрда бўлиб ўтган ўнга яқин халқаро конференцияларнинг материаллари, республикадаги ислохотларни давомий ёритиб бораётган етакчи газета, журналлар ҳақида маълумотларни учратиш мумкин бўлса¹², З.Мунавваровнинг илмий ишларида республикадаги тарихий жараёнларнинг ёритилишига оид фундаментал тадқиқотлар ҳақида маълумот олиш мумкин¹³, ушбу олимнинг тадқиқотлари билан танишиш натижасида Мисрдаги «Осиё тадқиқотлари маркази», Саудия Арабистони «Қирол Файсал номидаги ислом тадқиқотлари маркази»да Ўзбекистонга оид олиб борилаётган изланишларининг натижалари ҳақида ҳам маълумотлар олиш мумкин. Шунингдек, Ш.Ёвқочев¹⁴,

مصباح عبد الباقي. آسيا الوسطى والقوقاز الأهمية الإستراتيجية والواقع السياسي والاجتماعي، بغداد: المركز العربي للبحوث والدراسات، 2014
إبراهيم المطرف. العلاقات الاقتصادية بين الجمهوريات الإسلامية في آسيا الوسطى والمملكة العربية السعودية، في: ندوة مستقبل العلاقات العربية مع
تطورات آسيا الوسطى وتأثيراتها على منطقة الشرق الأوسط. // "الجمهوريات الإسلامية في آسيا الوسطى. الرياض: معهد الدراسات الدبلوماسية، 1996
القاهرة: سلسلة قضايا إستراتيجية. المركز العربي للدراسات الإستراتيجية. العدد 14 مارس 1998: "حركات إسلامية في آسيا الوسطى"، في: علا أبو زيد،
الحركات الإسلامية في آسيا. القاهرة: مركز الدراسات الآسيوية، 1998

بزغ عوض أحمد الوردات. علاقة روسيا الاتحادية بجمهوريات آسيا الوسطى الإسلامية كازاخستان، أوزبكستان، تركمانستان، طاجيكستان، قرغيزستان)
رسالة مقدمة إلى عمادة الدراسات العليا استكمالاً لمتطلبات الحصول على درجة الماجستير في العلاقات الدولية قسم العلوم السياسية. جامعة مؤتة، 2011
عبد الله فلاح عودة العضائبة. التنافس الدولي في آسيا الوسطى 1991-2010. رسالة مقدمة إلى عمادة الدراسات العليا استكمالاً لمتطلبات الحصول على
درجة الماجستير في العلوم السياسية. جامعة الشرق الأوسط. 2011 م. ص 158-

¹² Муҳаммадсиддиқов М.М. Африка Араб давлатларида диннинг сиёсийлашуви ва унинг сиёсий жараёнларга таъсири. Сиёсий. фан. док. ...дисс. – Тошкент, 2018.

¹³ Мунавваров З.И. Узбекистан и арабский мир: перспективы сотрудничества. – Тошкент: Фан, 1997. – 157 с.;
К вопросу об отношениях между Республикой Узбекистан и Королевством Саудовская Аравия (конец XX века). Часть I. // Sharqshunoslik. 2013. - №4 – С.118-126. Ўша муаллиф. К вопросу об отношениях между Республикой Узбекистан и Королевством Саудовская Аравия. Часть II // Sharqshunoslik. – 2014. – №2. – С. 123; Ўша муаллиф. Султанат Оман: история, цивилизация, экономика, внешняя политика. – Ташкент: Фан, 2015. – 256 с.; Ўша муаллиф. «Араб баҳори» ва Марказий Осиё хавфсизлиги муаммолари // Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2016 – С.79-83.

¹⁴ Ёвқочев Ш.А. Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном Египте. Дис. канд. ...пол. наук. – Ташкент, 2000; Ўша муаллиф. Миср Араб Республикасида: давлат ва диний институтлар. – Тошкент: Академия, 2007. – 36 б. Ўша муаллиф. Исламский фактор в политической системе современного Египта. – Ташкент: ТИУ, 2008. – 212 с. Ўша муаллиф. Влияние ислама на формирование современной политической системы АРЕ. Дисс. док. ... полит. наук. – Ташкент, 2009.

Р.Абдулмажидов¹⁵, Д.Мадаминова¹⁶, М.Турсунов¹⁷ сингари олимларнинг тадқиқотларида ҳам араб тилидаги манбаларда Ўзбекистондаги ислохотларнинг ёритилиши ҳақида айрим мулоҳазалар учрайди.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихининг Араб давлатларида ёритилиши бўйича ўзбекистонлик олим Муҳаммад ал-Бухорий муаллифлигида 2009 йилдан бери фаолият олиб бораётган «muhammad-2010.blogspot.com»¹⁸ номли саҳифани (блог) ҳам катта аҳамиятга эга деб ҳисоблаш мумкин. У ўзининг мазкур саҳифасида Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, ижтимоий-маданий ҳаётидаги муҳим воқеалар, эришилаётган иқтисодий ютуқлар ҳамда Ўзбекистон ва Араб давлатлари ўртасидаги турли келишувларнинг шарҳини араб тилида ёритади, Араб давлатларидаги олимларнинг Ўзбекистонга оид тадқиқотлари ҳақида доимий маълумотлар бериб боради. Шу нуқтаи назардан, Муҳаммад ал-Бухорийнинг мазкур саҳифасини Ўзбекистоннинг энг янги тарихининг Араб давлатларида ўрганилиши бўйича муҳим манба сифатида баҳолаш мумкин.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши ЎЗР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А1-31 «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Илом Каримов замондошлари хотирасида» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган А-1-191 «Хорижий тиллардаги тарихий асарларнинг илмий тадқиқи ва танқидий таҳлили асосида шарқ мамлакатлари тарихига оид замонавий ўқув адабиётларини яратиш» номли илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Араб давлатлари илмий доиралари ва медиа маконида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар ҳамда ахборот оқимини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Араб давлатларидаги илмий тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларида Ўзбекистон тарихи, сиёсати, иқтисоди ва ижтимоий соҳаларига оид тадқиқотларнинг шаклланиш тарихи ҳамда уларнинг манбавий асосларини аниқлаш;

Араб оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистондаги ижтимоий, сиёсий жараёнларнинг ёритилиши, мавзу хусусиятлари ва талқин масаласини кўриб чиқиш;

Ўзбекистондаги жараёнларнинг халқаро интернет тармоғининг араб сегментида баҳоланиши ҳамда республика образининг тақдим қилиниши масалаларини очиб бериш;

¹⁵ Абдулмажидов Р. Основные направления внешней политики Египта в 1998-2002 гг: Дисс. канд. ...ист. наук. – Москва. 2003.

¹⁶ Мадаминова Д.И. Миср Араб Республикасининг Ўрта ер денгизи минтақасидаги хавфсизликни таъминлаш сиёсати. Сиёсий. фан. номз. ...дис. – Тошкент, 2010.

¹⁷ Турсунов М.Д. Миллий тараққиёт моделида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш муаммолари. (Миср араб республикаси мисолида). Иқтисод. фан. номз. ...дисс. – Тошкент. 2007.

¹⁸ <https://www.blogger.com/profile/12240110450928534910>

«Янги Ўзбекистон» образининг Араб давлатларида қабул қилиниши ва республикада кузатилаётган ўзгаришларга нисбатан Араб давлатлари илмий ҳамда эксперт доираларидаги муносабатини кўриб чиқиш;

Араб давлатларида Ўзбекистонга оид олиб борилаётган тадқиқот ва изланишларни кузатиш, мониторинг ва таҳлил қилиб боришнинг амалий аҳамиятига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш сингари вазифалар белгиланган.

Тадқиқотнинг объекти Араб давлатларида Ўзбекистон мавзусига доир илмий тадқиқотлар ва оммавий ахборот воситалари материалларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда давлат ички ва ташқи сиёсатидаги ислохотлар ҳамда ўзгаришларга доир Араб тилидаги контентнинг шаклланиш муаммолари, мавзу хусусиятлари ва ёндашувларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда фанлараро ёндашувга асосланган ҳолда тарихийлик тамойили, дискурс ва контент таҳлил ҳамда даврлаштириш, тизимлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Араб давлатлари илмий доиралари ва медиа маконида Ўзбекистон мавзусидаги контент изчил, тарихий жараёнларни эътиборга олмаслик натижасида айрим нуқсон ва маълум мавзулар доирасида шаклланаётганлиги аниқланиб, бу хусусан Ўзбекистон мавзусидаги тадқиқотларнинг мавзу хусусиятидан қатъий назар маҳражида ислом омили ҳамда геосиёсий қизиқишлар туриши билан исботланган;

Араб давлатларида Ўзбекистон мавзусидаги тадқиқотлар кўп ҳолларда Марказий Осиё контекстида бажарилганлиги натижасида Ўзбекистон минтақанинг бошқа давлатлари қатори минтақавий ва глобал кучларнинг манфаатлари ёки геосиёсий ўйинлар таъсиридаги давлат сифатида, бирёқлама ҳамда мувоҳаза талаб қарашлар билан тақдим қилинганлиги асосланган;

глобал интернет тармоғининг араб сегментида Ўзбекистон мавзуси аксар ҳолларда “этник низолар” ва “Афғонистондаги инқироз” каби мавзулар билан бирга келиши, унинг халқаро имижига таъсир кўрсатаётганлиги асосланган;

«Янги Ўзбекистон» образи Араб давлатларида ижобий қабул қилинаётганлиги, Ўзбекистонга оид баъзи стереотипларда ижобий ўзгаришлар бор эканлиги аниқланиб, бу ўзгаришлар ўз навбатида ўзаро ҳамкорлик алоқалари динамикасига ҳам таъсир кўрсатаётганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Диссертацияда илк бор 1990-2020 йилларда Ўзбекистондаги тарихий жараёнлар араб тарихшунослиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинди, мавзуга доир тадқиқотларнинг асосий йўналишлари аниқланиб, тарихий жараёнларга ёндашувлар араб ва маҳаллий тарихшунослик мисолида кўрсатиб берилган;

Араб тарихшунослигида мустақилликнинг дастлабки ўн йиллиги тарихи бир томонлама ўрганилган бўлса, сўнгги йилларида яратилган тадқиқотларда тарихий холислик, жараёнларни тушуниш ва қўллаб-қувватлаш тамойилига асосланган ёндашувлар вужудга кела бошлаганлиги аниқланган;

Ўзбекистон ва Араб давлатлари алоқалари тарихшунослигини тадқиқ қилиш натижасида ўзаро муносабатларнинг жорий ҳолати ва истиқболлари

борасида Араб давлатларидаги сиёсий ва эксперт доираларининг фикр ва мулоҳазалари ўрганилган;

Араб давлатларида Ўзбекистонга оид шаклланган қарашларнинг араб-мусулмон дунёсида ҳам қабул қилиниши ҳисобга олиниб, бу давлатларда олиб борилаётган тадқиқот ва изланишларни кузатиш, мониторинг ва таҳлил қилиб боришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, мавзунинг тадқиқ этилган жиҳатлари ва келгусида ўрганилиши лозим бўлган йўналишлар борасида амалий таклифлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг арабшунос олимлар, Араб давлатларида фаолият олиб борган мутахассислар, экспертлар ва хорижий таҳлилий марказлари хулосаларига, ишончли расмий манбалар, хусусан, араб тилидаги давлат нашрларининг веб-саҳифаларидаги маълумотларга таянилганлиги, ишлаб чиқилган илмий-назарий таклифлар ва тавсиялар амалиётга жорий этилиб, ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишда тақдим қилинган маълумотлар ҳамда ишлаб чиқилган назарий хулосалар Ўзбекистон энг янги тарихининг хорижий тарихшунослиги йўналишини шакллантириш ҳамда Араб давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустақамлашнинг методологик ва назарий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хулоса ва таклифларидан Ўзбекистон республикаси Фанлар Академияси Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва соҳага оид бошқа муассасалар мутахассислари учун таҳлилий материаллар тайёрлаш, маъруза ва амалий машғулотлар олиб бориш ҳамда Ўзбекистоннинг энг янги тарихини хорижда ўрганилишига оид ўқув қўлланма, монография ёки бошқа тадқиқот ишлари ҳамда илмий лойиҳаларда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мустақил Ўзбекистондаги трансформация жараёнларининг Араб давлатларида ёритилишини тадқиқ этиш жараёнида олинган натижалар асосида:

Диссертацияда Ўзбекистонда 1991-2016 йилларда давлат ички ва ташқи сиёсати хусусиятлари, амалга оширилган ислохотлар, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришларнинг Араб давлатларида ёритилиши ҳамда баҳоланишига доир келтирилган маълумотлардан ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик-марказда бажарилган ОТ-А1-31 «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов замондошлари хотирасида» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (ЎзР Фанлар Академиясининг 2020 йил 7 декабрдаги №3/1255-2750-сон баённомаси). Тадқиқот натижасида қўлга киритилган маълумотлар лойиҳа доирасидаги Ислом

Каримов фаолиятини хорижлик олимлар ва сиёсатчилар томонидан баҳоланишига доир материалларни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилган;

«Ал-Баян», «Ал-Аҳрам» ва «Ал-Риёд» каби Араб тилидаги оммавий ахборот воситаларидаги Ўзбекистон ҳақидаги материалларнинг контент таҳлили натижасида қўлга киритилган маълумотлардан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-саҳифасини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг 2020 йил 3 декабрдаги №01-23/738-сон баённомаси). Натижада, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-саҳифасини республикада амалга оширилаётган ўзгаришларнинг халқаро майдонда эътироф этилиши, хорижий ОАВ, жумладан, араб тилидаги етакчи нашрларда ёритилишига доир материаллар сони ҳамда қамровини кенгайтиришга эришилган;

араб тилидаги тадқиқотларда Ўзбекистондаги ёшларга оид давлат сиёсати, ёшлар ташкилотларининг фаолияти, уларнинг Араб давлатларидаги ёшлар ташкилотлари билан алоқаларига оид келтирилган маълумотлардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини хорижда ёритилишига оид ҳисоботлар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 14 декабрдаги 04-13/2920-сон маълумотномаси). Натижада Ёшлар иттифоқи фаолиятини хорижда тадбиқ қилишга доир материаллар шакллантирилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та республика, 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 18 та иш эълон қилинган. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган нашрларда 8 та, хусусан, республика журналларидаги 5 та ва халқаро нашрлардаги 3 та илмий мақолаларда акс этган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг матни 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда ўтиш даври масалаларининг сиёсий ва ижтимоий жиҳатларининг араб тилидаги илмий адабиётларда ёритилиши» деб номланган биринчи бобида республикада мустақилликнинг эълон қилиниши, давлат қурилишининг янги босқичи, фуқаролик жамияти институтларининг

вужудга келиши ҳамда маънавий қадриятларнинг қайта тикланиши каби масалаларнинг араб тилидаги тадқиқотларда ўрганилиши таҳлил қилинган.

Саудиялик Муҳаммад Носр ал-Абуди¹⁹, мисрлик Муҳаммад ас-Сайид Салим²⁰, Иброҳим Арофат, Фаруқ Ахмад²¹ каби олимларнинг асарларида мазкур масалалар тизимли таҳлил қилинган. Мисрлик олимларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон ўзига хос анъаналарига ҳамоҳанг, давр руҳи билан ҳамнафас сиёсий тизимни танлади. Конституция ҳокимиятлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш учун уларнинг бир-биридан ажратиш тамойили, президентлик бошқаруви тизимини мустаҳкамлади-ки, улар ўзбек сиёсий маданиятига хос бўлган олий ижро ҳокимиятига анчагина кенг салоҳиятларни беришни назарда тутди ва шу тариқа республика ўтиш даври масалаларини хавфсиз ва муваффақиятли ҳал қилди.²²

Мустақилликдан сўнг амалга оширилган ўзгаришларга асос бўлган ислохотларнинг беш устувор йўналиши - «ўзбек модели» ҳам араб тилидаги бир қанча асарларда атрофлича таҳлил қилинган. Жумладан, Байрутда, араб тилида нашр қилинган Бўрибой Ахмедов ва Зоҳидулло Мунавваров²³ ҳамда мисрлик олим Фаруқ Ахмаднинг асарларида, Абубакр Абулаҳмаднинг таҳлилий мақоласида²⁴ тараққиётнинг «ўзбек модели» аҳамияти очиб берилган. Фаруқ Ахмаднинг асарида таъкидланишича, беш устувор йўналиш давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини бирдек қамраб олган. Тўғри танлаб олинган мазкур йўналишлар ва ўзининг табиий бойликлари ҳамда пахтаси туфайли республика «социализм оролининг қолоқ давлатидан бозор иқтисодиётига асосланган тараққиёт йўлига тинч чиқиб борди».²⁵ Иброҳим Арофатнинг фикрича, мазкур беш тамойилни муваффақиятли ва тўғри амалга ошириш учун энг аввало зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш лозим эди, акс ҳолда ислохотлар дастуридан иборат беш тамойилни рўёбга чиқариш ўта мураккаб ва ҳаттоки имконсиз эди.²⁶

Мустақилликни мустаҳкамлаш тинч ва барқарор ривожланишда ташқи омиллар ва кузатилаётган халқаро вазиятнинг таъсири каби масалалар Харб Муҳаммад²⁷, Ахмад Фуъад Мутавааллий²⁸, Абдел Фаттах Муқлад ал-Ғаними²⁹ ҳамда Абд Али ал-Хафаф³⁰ асарларида, ироқлик муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган³¹ тадқиқотларда чуқур таҳлил қилинган.

محمد بن ناصر العبودي. (1996). العودة إلى ما وراء النهر رحلة في آسيا الوسطى وحديث عن شؤون المسلمين: 1996 ع. 229 ص. يوميات آسيا الوسطى. 1995 ع. ص 280. في بلاد المسلمين المنسيين بخارى وما وراء النهر. 1991 ع. 272 ص

أ.د. محمد السيد سليم، أ.د. نعمة الله إبراهيموف، د. إبراهيم عرفة، د. صالح إنعاموف: أوزبكستان الدولة والقائد. القاهرة: مطابع الشروق، - 1999 (ص- 137)

علاء فاروق. مشاهدات من رحلتي إلى أوزبكستان بلاد التاريخ والحضارة والحداثة. القاهرة 2011 م

محمد السيد سليم، أ.د. نعمة الله إبراهيموف، د. إبراهيم عرفة، د. صالح إنعاموف. 103 6

منوروف زاهد الله. أحمدوف بوريبوي. العرب والإسلام في أوزبكستان - تاريخ آسيا الوسطى من أيام الأسر الحاكمة حتى اليوم. 1999 - بيروت

<https://www.asiaelyoum.com/65429/2017/09/12/> الناجزة للتنمية جديدة معالم ترسم أوزبكستان.. 26.ال استقلالها عيد في

علاء فاروق. مشاهدات من رحلتي إلى أوزبكستان بلاد التاريخ والحضارة والحداثة. القاهرة 2011 م

إبراهيم عرفت. حركات إسلامية في آسيا الوسطى. ص. - 166. 1998

محمد حرب. الإسلام في آسيا الوسطى و البلقان. بيروت (لبنان): دار البشائر 1995. 229 ص

حمد فؤاد متولي. هويدا أمحمد فهمي. الجمهوريات الإسلامية في آسيا الوسطى والقوقاز. مركز الدراسات الشرقية - جامعة القاهرة. 2000 ع. 260 ص.

الغنيمي مقلد الفتاح عبد. التوزيع و للنشر الامين دار. سابقا السوفيتي الاتحاد:الوسطى آسيا جمهوريات في المسلمون و الاسلام - ص. ع 240. 1996

عبد علي الخفاف، محمد أحمد المومني. آسيا الوسطى الإسلامية. الناشر: دار عمار للنشر والتوزيع. 168 - ص. ع 1995

جمهوريات آسيا الوسطى وقققاسيا الجذور التاريخية والعلاقات الإقليمية/ 1999 224 ص 31.

Араб давлатларидаги аксарият олимлар Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримовни мустақил Ўзбекистондаги илк ислохотларнинг йўлбошчиси сифатида талқин қилади. Жумладан, мисрлик олим Абу Бакр Абдумажиднинг эътирофича, Ўзбекистон давлатининг тараққиётида, унинг минтақавий ва глобал миқёсда обрў-эътиборга эришишида Ислам Каримов шахсияти ва унинг ислохотлар дастури катта аҳамиятга эга.³² Шу боис Ислам Каримовнинг Ўзбекистондаги ислохотлар мазмунини акс эттирувчи «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида»³³, «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»³⁴ ва «Ўзбекистон маънавий янгиланиш йўлида»³⁵ номли асарлари араб тилига таржима қилинган.

Ўзбекистонда демократик жараёнлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари шаклланиш шарт-шароитлари ҳам Араб давлатларининг илмий ва эксперт доираларда кенг таҳлил қилинган. Жумладан, Фаруқ Ахмад, Муҳаммад ас-Сайид Салим, Заки Шайх ва Ахмат Тоҳир сингари сиёсатшунослар Ўзбекистонда парламент фаолияти, сиёсий партиялар ҳамда сайлов тизими каби масалаларнинг турли жиҳатларини ўрганган. Ўзбекистондаги сиёсий тизим бўйича эксперт Ахмад Тоҳирнинг ёзишича, Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келганидан буён, мамлакатда демократик трансформацияни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.³⁶ 2016 йил 4 декабрда Ўзбекистон Республикаси президентлиги учун ва 2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган парламент сайловлари ҳам Ўзбекистонда сиёсий ҳаётида кузатилаётган трансформациянинг муҳим белгиси ўлароқ Араб давлатларининг экспертлар ва сиёсий шарҳловчилар томонидан кенг шарҳланди. Ўзбекистонда олий ҳокимият органларига бўлиб ўтадиган сайловларнинг барчаси ҳам Араб давлатларида катта қизиқиш билан кузатиб борилган ва бу қизиқиш йилдан йилга ортиб бормоқда. Солиштириш учун Мисрдаги етакчи газеталарнинг архивлари ўрганилди. Хусусан, 1994 йилда бўлиб ўтган биринчи парламент сайлови Мисрнинг 4 номдаги, 2000 йилда бўлиб ўтган сайловлар 9, 2005 йил яна 9, 2010 йил 12, 2015 йил 14 ва 2019 йилдаги сайловлар эса 30 номдаги етакчи газеталарда ёритилган. Амалга оширилган контент таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, Араб давлатларининг етакчи нашрларида Ўзбекистон сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеалар шарҳининг динамикаси йилдан йилга миқдор жиҳатдан ўсиб, сифат жиҳатдан яхшиланиб, географик қамрови эса кенгайиб борган. Жумладан, 2019 йилдаги парламент сайловларини Бирлашган Араб Амирликларининг 10 номдаги, Саудия Арабистонининг 7, Кувайтнинг 5, Иорданиянинг 1, Ливаннинг 3, Ироқнинг 2 ва Яманнинг 1 номдаги босма ва электрон нашрларида кенг шарҳланди (*1 илова қаранг*).

Араб давлатларидаги етакчи таҳлил марказларининг веб-саҳифаларида ҳам Ўзбекистондаги сайлов жараёнлари бўйича таҳлилий материаллар эълон

³² <https://www.asiaelyoum.com/> في عيد استقلالها الـ26... أوزبكستان ترسم معالم جديدة للتنمية الناجزة

³³ إسلام كريموف: أوزبكستان على طريق المستقبل العظيم. ترجمة: أ.د. محمد البخاري. جدة: مجموعة دار السلام، 1999

³⁴ إسلام كريموف: أوزبكستان على عتبة القرن الحادي والعشرين. بيروت: شركة المطبوعات للتوزيع والنشر، 1997

³⁵ إسلام كريموف: أوزبكستان على طريق الانبعاث الروحي. ترجمة: د. مفيد قطيش، د. فؤاد الجوابري. الإمارات العربية المتحدة، دبي: 2000

³⁶ <https://arb.majalla.com/node/79856>. 2019. أوزبكستان والجمهورية الثانية. 31 ديسمبر، بواسطة أحمد طاهر

қилинган. Хусусан, «Ал-Жазира» тадқиқотлар марказининг расмий веб-саҳифасида ««Янги Ўзбекистон» шиорларига қарамай: парламент эски амалиётни ҳимоя қилишни давом эттирмоқда» деб номланган мақолада³⁷ «Ал-Жазира» сиёсий тадқиқотлар маркази эксперти Заки Шайх сайлов тизимида кўзга ташлана бошлаган айрим ўзгаришлар, демократик эркинликлар ҳамда сиёсий ҳокимият учун бораётган кучсиз рақобатни танқидий таҳлил қилган.

Сўнгги йилларда ўмонлик тадқиқотчи Ихсан Зунун Абдул Латиф³⁸, мисрлик олимлардан Ахмад Раджаб Муҳаммад Али Ризқ³⁹ ва Ахмад Абду Тарабик⁴⁰, саудиялик тарихчи олимлар Харб Махмуд⁴¹, Обид Қори Муҳаммаджон⁴², Муҳаммад Носр ал-Абуди⁴³, Муҳаммад Абдулқодир кабиларнинг илмий ишларида асосий эътибор тарихий мерос, миллий ўзликни англаш ва маънавий қадриятларнинг қайта тикланишига қаратилган. Номлари санаб ўтилган муаллифларнинг асарларидаги ғоя ва мазмундан келиб чиқиб, уларни икки гуруҳда тадқиқ қилиш мумкин. Биринчи гуруҳдаги тадқиқотларда (Махдий Нахванди, Муҳаммад Носр ал-Абуди) тўғридан тўғри миллий ўзлик ва ғоявий янгиланиш жараёнларининг сиёсий, ижтимоий ва психологик жиҳатлари кўриб чиқилган бўлса, иккинчи гуруҳдаги (А. Ризқ, А.Тарабик, М.Абдулқодир) тадқиқотларда маънавий қадриятларнинг қайта тикланишига таъсир кўрсатувчи оимлардан бири таҳлил қилинган, масалан, тарихий шаҳарлар, ислом маданияти ёки маданий мероси сингари масалалар ўрганилган. Жумладан, мисрлик машҳур тарихчи олим Ахмад Раджаб Муҳаммад Али Ризқ раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ «Буюк Ипак йўли шаҳарларидаги ислом цивилизацияси ёдгорликлари» номи энциклопедиянинг биринчи жилдини «Бухородаги ислом маданияти ёдгорликлари» номи билан 2017 йил Кувайтда нашр қилди⁴⁴.

Араб давлатларидаги тарихчи ва адабиётшунос олимлар ўзбек халқининг буюк аждодларидан Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур фаолиятини ҳам тадқиқ қилмоқда. Хусусан, Муҳаммад Дебир Сиаки «Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ тарих тарозисида» (2014), Мансур Абдул Ҳаким «Темурланг» (2012) каби асарларни ёзди, Қоҳира университети профессори Мажида Махлуф эса «Бобурнома»⁴⁵ асарини форс ва турк тилларидаги нусхаларини араб тилига таржима қилганлиги араб ўқувчисининг ўзбек халқи тарихига бўлган катта қизиқишининг далили бўлди.

37 رغم شعارات "أوزبكستان الجديدة": البرلمان ماضٍ في حماية الممارسات القديمة (قراءة في الانتخابات الأوزبكية) <https://studies.aljazeera.net/ar/article/4548>

38 الثامري، إحسان ذنون عبد اللطيف. التاريخ الحضاري لمدينة بخارى منذ الفتح الإسلامي إلى نهاية القرن الرابع الهجري / العاشر الميلادي (94-389 هـ - 712-999 م). جامعة اليرموك. ص 588. 1997

39 موسوعة الآثار والحضارة السالمية في مودن طريوا الحرير – الجواء الو والجواء الثواني بخارر ق مركا الفنون السالمية – وزارة الوقاف الكويتية – الكويت 4022

40 الآثار و الحضارة الإسلامية في بخارى – تأليف أ.د احمد رجب محمد على رزق. الكويت. 2017

41 أوزبكستان و منابع الحضارة الإسلامية. أحمد عبده طرابيك. الناشر: النبلاء للأبدع الثقافي – 2017

42 حرب، محمد. المسلمون في آسيا الوسطى والبلقان. المركز المصري للدراسات العثمانية وبحوث العالم التركي، 1993

43 عابد قاري محمد جان. الجمهوريات الإسلامية من الظلمات إلى النور. 1996.

44 محمد بن ناصر العبودي. العودة إلى ما وراء النهر رحلة في آسيا الوسطى وحديث عن شؤون المسلمين. 1996.

45 الآثار و الحضارة الإسلامية في بخارى – تأليف أ.د احمد رجب محمد على رزق. الكويت. 2017

46 https://www.nli.org.il/en/books/NNL_ALEPH003901111/NLI

Хулоса қилиб айтганда, араб тилидаги адабиётларда масаланинг сиёсий, мафкуравий ва геосиёсий жиҳатларига асосий эътибор қаратилган. Уларнинг манбавий асосини араб ва ғарб тилларидаги тадқиқотлар, айрим ҳолларда эса муаллифларнинг Ўзбекистонга сафари натижасида тўплаган маълумотлар ташкил қилади. Қуйидаги мавзулар нисбатан кўп ўрганилганлиги аниқланди: Ўзбекистоннинг минтақавий ўрни ва аҳамияти, унинг геосиёсий мавқеи; миллий ривожланиш моделининг ишлаб чиқилиши ва тараққиётнинг «ўзбек модели» хусусиятлари; Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон ривожланиш тамойилларининг бунёдкори сифатида (асосан мисрлик олимлар томонидан); дин ва давлат муносабатлари; Ўзбекистон сиёсатида ислом омилининг эгаллаши керак бўлган мавқеи (асосан, Саудия Арабистонида нашр қилинган ишларда); маънавий кадриятларнинг қайта тикланиши ва бу жараёнларда ислом меъёрларининг ўрни ва аҳамияти, тарихий шахслар, тарихий мероснинг қайта тикланиши каби масалалар. Нисбатан ўрганилмаган мавзулар сифатида мустақилликдан сўнг бошланган хусусийлаштириш, макроиқтисодий кўрсаткичлар, ижтимоий масалалар, фуқаролик жамияти институтларининг янгидан шаклланиши, кўппартиявийлик тизимига ўтиш муаммолари, оммавий ахборот воситалари фаолияти кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Илмий адабиётларнинг хусусияти турли даврларда ўзгариб бори. Агар 1990 йилдан 2000 йилгача яратилган асарларда Ўзбекистон исломий республика, дунё мусулмон умматининг катта бир қисми, жадал ривожланаётган мамлакат сифатида талқин қилиниб, асосий эътибор ички сиёсатга қаратилган бўлса, 2000 йилдан кейин яратилган илмий адабиётларда республика минтақавий ва глобал кучлар орасидаги геосиёсий кураш майдонидаги давлат сифатида талқин қилиниб, асосий эътибор унинг минтақавий сиёсати ҳамда етакчи халқаро кучлар билан муносабатига қаратилган.

Иккинчи боб **«Ўзбекистонда ислом ва дунёвий маърифий давлат масалалари араб давлатларидаги тарихчи ва сиёсатшунослар талқинида»** деб номланади. Ўзбекистон мавзусидаги араб тилидаги тадқиқотларнинг махражида ислом омили туради. Ўрганилаётган масала қайси йўналишда бўлишидан қатъий назар ислом дини нуқтаи назаридан эътибор қаратилади. Ўзбекистонга оид дастлабки тадқиқотларда ҳам, бугунги кунда яратилаётган илмий асарларда ҳам, айнан мазкур масалага кўпроқ урғу берилади, буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, Саудия Арабистони сингари теократик араб монархияларида Ўзбекистон ислом умматининг ажралмас бир қисми сифатида қабул қилинади ҳамда Ўзбекистонга оид тадқиқотларда жамият ва давлат ҳаётида ислом омилига кўпроқ эътибор қаратилади. Иккинчидан, Миср ва Жазоир сингари демократик тараққиёт йўлидаги дунёвий араб республикалари учун Ўзбекистонда ислом динининг давлат ҳаётидаги аҳамияти масаласи, XX асрнинг 90-йилларида ислом ва дунёвий давлат тушунчалари ўртасида кечган баҳс, дунёвий давлат тамойилларини сақлаб қолиш йўлида олиб борилган сиёсатни кузатиш нуқтаи назаридан эътиборга молик мавзу сифатида кўрилган.

1990-йилларда республикадаги диний вазиятни ёритиш, аҳолининг динга нисбатан муносабатидаги ўзгаришларни аниқлаш ҳамда давлатнинг диний

сиёсати каби масалаларни ўрганишда саудиялик тарихчилардан Муҳаммад Носр ал-Абуди,⁴⁶ Абдукодир Муҳаммаджон,⁴⁷ мисрлик Абдел Фаттах Муқлад ал-Ғанами⁴⁸, Абд Али ал-Хаффаф⁴⁹, Жанаби Майсам⁵⁰ асарларининг аҳамияти катта. 1980-йилларнинг охирида бир қатор араб тадқиқотчилари Ўзбекистон мусулмон жамоалари билан суҳбатлашиб, мусулмонларнинг умумий вазияти, урф-одатлари билан яқиндан танишди ҳамда республикадаги дин ва дунёвий маърифий давлат борасидаги дастлабки илмий асарларни яратди.⁵¹ Уларнинг фикрига кўра, минтақада ислом диний мансубликдан кўра кўпроқ этник бирликни ифодаловчи хусусиятга эга. Тарихчилардан Харб Махмуд⁵², Обид Қори Муҳаммаджон⁵³ кабиларнинг тадқиқотларида ана шундай фикрларни учратиш мумкин. Ўзбекистондаги ислом ва дунёвий маърифий давлат масаласидаги фикр ҳамда мулоҳазалар мисрлик муаллифлардан Иброҳим Арофат⁵⁴, Сайд ас-Салимнинг илмий ишларида кўп маротаба, турли ракурсларда таҳлил қилинган. Сайид ас-Салим Осиёдаги исломий ҳаракатлар ҳамда минтақадаги радикал гуруҳлар фаолиятига оид тадқиқотлар олиб борган бўлса, Иброҳим Арофат минтақанинг давлат бошқаруви ва сиёсий институтлари фаолиятида ислом омили масаласини тадқиқ қилган.

Бу мавзуда яратилган араб тилидаги тадқиқотларни даврий жиҳатдан икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи давр, 1992-2000 йиллар ва иккинчи давр 2001 йилдан кейинги давр. Бу тартибда даврлаштиришга асос сифатида 1998 йилда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири олинган. Мазкур қонунда, диний гуруҳлар фаолиятига чек қўйилганлиги ва дунёвийлик тамойилларига кенг урғу берилганлиги дастлабки вақтда Араб давлатларидаги илмий ва эксперт доираларда нотўғри талқин қилинган ва бу муносабат адабиётларда ўз аксини топган. Араб экспертларининг фикрича, совет ҳокимияти сиёсати таъсирида минтақа давлатлари исломий ақидаларни, тарихий ва маданий ўзига хослигини йўқотиб борган. Мустақиллик шароитида эса уларни қайта тиклаш, шу жумладан, исломий меросни қайта жонлантириш борасида иккиланишлар ҳамда хавфсирашлар мавжуд эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, республиканинг ўзида ҳамда хорижда ислом омилининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётга кўрсатиши мумкин бўлган таъсири ҳақида кўплаб фаразлар айтилди, мавзуга доир тадқиқотлар яратилди. Тадқиқотларда жараёнлар ва уларнинг

46 حمد بن ناصر العبودي. في بلاد المسلمين المنسيين بخارى وما وراء النهر 1991. 274 ص; يوميات آسيا الوسطى. 1995 ع. ص 280. العودة إلى ما وراء النهر رحلة في آسيا الوسطى وحديث عن شؤون المسلمين

47 عابد قاري محمد جان. الجمهوريات الإسلامية من الظلمات إلى النور. فهرسة مكتبة الملك فهد الوطنية أثناء النشر. 1996 ع. ص-188

48 عبد الفتاح مقلد الغنيمي. الاسلام و المسلمون في جمهوريات آسيا الوسطى : الاتحاد السوفيتى سابقا. دار الامين للنشر و التوزيع. 1996 ع. ص – 240

49 علي الخفاف. آسيا الوسطى الإسلامية. دار عمار للنشر و التوزيع. 1995 ع. ص – 168

50 ميثم الجنابى. الإسلام السياسى فى جمهوريات وسط آسيا الإسلامية. 2001 ع. ص-112

51 محمد بن ناصر العبودي. يوميات آسيا الوسطى. لرياض – 1995

52 حرب، محمد. المسلمون في آسيا الوسطى والبلقان. المركز المصري للدراسات العثمانية وبحوث العالم التركي، 1993

53 عابد قاري محمد جان. الجمهوريات الإسلامية من الظلمات إلى النور. 1996

54 إبراهيم عرفات: "حركات إسلامية في آسيا الوسطى"، في: علا أبو زيد، الحركات الإسلامية في آسيا. القاهرة: مركز الدراسات الآسيوية، 1998

إبراهيم عرفات: "تطورات آسيا الوسطى وتأثيراتها على منطقة الشرق الأوسط". // القاهرة: سلسلة قضايا إستراتيجية. المركز العربي للدراسات الإستراتيجية. العدد 14 مارس 1998

ривожии ҳамда хусусиятини ўрганиш, эксперт баҳолаш, таҳлил, прогнозлаштириш бўйича турли ёндашувларни учратиш мумкин. Мавзу талқини бўйича Ғарб муаллифларининг тадқиқотларида илгари сурилган фаразлар, маҳаллий тадқиқотчиларнинг хулосаларидан фарқланса, араб давлатларидаги кузатувчиларнинг хулосалари эса ўзининг мавзуга ёндашуви ҳамда жараёнларга нисбатан муносабати билан ҳар икки гуруҳдан ҳам ажралиб туради.

Араб тилидаги илмий ишларда радикал гуруҳларнинг шаклланиш шарт-шароитлари билан бирга уларнинг фаолият тури ва мақсадларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, мисрлик олим Муҳаммад Адилнинг мазкур масала тадқиқига бағишланган илмий ишида масалага тизимли ёндашиб, радикал гуруҳларни мақсадларига кўра гуруҳлаштиради. Унинг фикрига кўра, минтақада ислом дини икки хил кўринишда намоён бўлади, улар давлат томонидан тан олинган ва тан олинмаган гуруҳлардан иборат.

Тадқиқотларимиз натижасида минтақадаги сиёсат ва исломнинг умумий вазияти ҳамда истиқболларини тўғри таҳлил қилиш учун исломшунослик ҳамда сиёсатшунослик нуқтаи назаридан амалга ошириладиган фанлараро йўналишидаги таҳлилларга зарурият катта эканлиги аниқланди. Мутахассислар олдида турган долзарб масалалар қаторида минтақа давлатлари сиёсий ҳаётида ислом интеграцияси борасидаги амалий таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси турибди. Бу борада Араб давлатларидаги мутахассисларда катта тажриба борлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг дин ва давлат муносабатларига оид тадқиқотларининг Марказий Осиё йўналишини чуқур таҳлил қилиш самарали натижаларга олиб келади. Шунингдек, Араб давлатларидаги мутахассисларнинг фикрича, минтақада радикал ислом гуруҳлари фаолияти мавжуд, уларнинг турли шаклдаги террористик амалиётларни қўлламаслиги кафолатланмаган. Шу нуқтаи назардан, араб тилидаги асарларда илгари сурилган радикал ислом гуруҳларининг фаолияти, уларнинг ҳаракат методлари кенг ўрганилиши, улар ҳақида очиқ ахборотлар мавжуд бўлиши лозимлиги тўғрисидаги фикрларини инобатга олиш ҳамда уларни чуқур ўрганиш радикал гуруҳлар фаолиятига қарши кураш стратегиясини шакллантиришда қўл келиши мумкин.

Ўзбекистонда ислом ва дунёвий маърифий давлат масалалари, радикал ислом гуруҳлари ҳамда экстремизм мавзуси араб тилидаги илмий ишлар, таҳлилий манбаларда энг кўп ўрганилган мавзулардан ҳисобланади. Хусусан, «Ал-Жазира» сиёсий тадқиқотлар маркази веб-саҳифасининг 2006 йилдан 2020 йилга қадар бўлган архиви ўрганилганда Ўзбекистон мавзусига алоқадор бўлган 13 та катта таҳлилий мақоланинг 5 тасида, «Ал-Аҳрам» сиёсий ва стратегик тадқиқотлар марказининг 1996 йилдан 2020 йилгача нашр қилинган Марказий Осиёга оид жами 42 та таҳлилий мақоласининг 18 тасида сиёсийлашган ислом, радикал гуруҳлар ҳамда терроризм масаласи муҳокама қилинганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, 1992 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда Миср, Саудия Арабистони, Ироқ каби Араб давлатларида мазкур масала тадқиқига оид 20 дан ортиқ алоҳида тарихий сиёсий асарлар яратилганлиги мазкур масалага бўлган қизиқишнинг юқори эканлигини кўрсатади.

«Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик алоқаларидаги ўзгаришларнинг араб илмий ва эксперт доираларида ўрганилиши» деб номланган учинчи бобда Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик алоқаларидаги ўзгаришлар, унинг геосиёсий мақсадлари ва Араб давлатлари билан муносабатларининг хусусиятлари ўрганилган.

Минтақадаги геосиёсий рақобат шароитида араб давлатларининг имкониятлари минимал даражада бўлишига қарамасдан, баъзи араб давлатларининг сиёсий доиралари Эрон, Исроил ва Туркия шунингдек, Россия ҳамда АҚШ каби давлатларнинг минтақадаги сиёсатини диққат билан кузатиб боради. Сайид ас-Салим,⁵⁵ «Осиё ва глобал ўзгаришлар»⁵⁶ каби ишларини, Иброҳим Арофат⁵⁷, Хамид Шихаб Ахмад⁵⁸, Салим Катаа Али⁵⁹ ва Музаффар Назир⁶⁰ каби муаллифларнинг ишларини алоҳида таҳлил қилиш мумкин. Шунингдек, араб давлатларидаги етакчи таҳлилий марказлар ҳисобланадиган «Ал-Жазира» (Қатар), «Ал-Аҳром» (Миср), «Кўрфаз тадқиқотлар маркази» (Саудия Арабистони) ва «Осиё тадқиқотлар маркази» (Миср) экспертлари томонидан ҳам мавзуга доир бир қанча таҳлилий материаллар тайёрланган.

